O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 21 октябрь, шанба • №81 (11.266) • Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 октябрь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро–Валднерни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ЕХҲТнинг Марказий Осиё минтақаси билан алоқаси изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Австрия ЕХҲТга раислик қила бошлаганидан буён ташкилотнинг минтақамизга эътибори кучайди. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишлаб очилган халқаро анжуман ҳам бунинг бир тасдиғидир.

Ташкилотнинг Ўзбекистонга иккинчи бор ташриф буюрган амалдаги раиси бу ердаги вазият ва минтақавий муаммолардан яхши хабардор эканлигини қайд этди. Бенита Ферреро–Валднер хонимнинг таъкидлашича, ташкилот наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бу борада уларнинг ЕХҲТ ва БМТ билан алоқаларини янада ривожлантиришни мўлжалламоқда. Шу билан бирга, Б. Ферреро–Валднер мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида Австрия Ўзбекистон ҳамда минтақамизнинг бошқа мамлакатлари билан икки томонлама асосда ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистоннинг ЕХҲТ ва Австрия билан алоқаларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

***Шу куни Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарманинг ижрочи директори Пино Арлаккини қабул қилди.***

П. Арлакки Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишлаб Тошкентда очилган халқаро анжуманда қатнашиш учун Ўзбекистонга келган. Пойтахтимизда бошланган мазкур конференциядан кўзланган мақсадлардан бири наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамда умуман хавфсизлик масалаларида минтақавий ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Меҳмон Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик борасида илгари сураётган ташаббуслари ва амалга ошираётган ишларини юқори баҳолади. Бу ташаббуслар ўзаро халқаро ҳамкорликка асос бўлишини ташкил этишини таъкидлади. Тошкентдаги учрашувлар ўзи раҳбарлик қилаётган бошқарманинг хавфсизлик масалаларида Ўзбекистон билан алоқаларини янада фаоллаштиришига ишонч билдирди.

Ўзаро мулоқот асносида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## Ўқувчиларга қишки кийим-бош

***Мактабларнинг 1-4 синфида ўқиётган 312 мингдан ортиқ ўқувчилар — кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари шу кунларда бир сидра бепул қишки уст-бош ва пойабзал олишмоқда. Улар иссиқ куртка, пойабзал, телпак ва қўлқопдан иборат бўлиб, умумий нархи 6 минг сўмдан зиёд.***

Халқ таълимининг туман, шаҳар ва вилоят муассасаларини ушбу кийим билан таъминлаш ва болаларга тарқатишда Халқ таълим вазирлигининг «Таълим савдо» бошқармаси шуғулланмоқда.

Мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмушининг моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўртинчи маротаба ўтказилмоқда. Шунингдек, тадбир «Соғлом авлод» давлат дастурига ҳам киритилган.

«Таълим савдо» бошқармаси маълумотига кўра, жорий йилда ушбу тадбирни амалга оширишга ҳукуматимиз 2 миллиардга яқин маблағ ажратган. Болалар учун сотиб олинган барча қишки уст-бош ва пойабзаллар мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг кийимлари кўркам ва ярашиқли бўлиши учун Халқ таълим вазирлиги ҳар йили тикувчилар ўртасида тендер эълон қилмоқда. Қишки кийим-кечаклар тўла сотиб олинишини кафолатловчи шартномалар фақат юқори сифатли кийим-бошлар тикаётган корхоналар билан тузилмоқда.

Республикамиздаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг қишки мавсум учун керакли бўлган нарсалар билан таъминланиши — мамлакатимиз раҳбариятининг ўсиб келаётган авлод тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир исботидир. Мазкур ҳукумат ҳужжати доирасида барча биринчи синф ўқувчилари ҳар йили бепул ўқув қуроллари тўплами билан таъминланмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

***Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтида Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Тошкент Давлат консерваторияси, Маданият, Миллий рассомчилик ва дизайн институтлари, Миллий рақс ва хореография олий мактаби билан ҳамкорликда «Она тилим – эрким, ғурурим, дилим» мавзуида театрлаштирилган байрам кечаси бўлиб ўтди.***

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн бир йил бўлди. Мустақиллик боис она тилимизга бўлган ҳурмат, эҳтиромни ифодалаш имконияти янада ошди. Қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳамда уни амалга ошириш давлат дастури натижаси ўлароқ, она тилимизнинг қадр-қиммати беқиёс даражада ортди.

Байрам кечасида талабалар томонидан миллий мумтоз куй-қўшиқ ва рақслар, саҳна асарларидан лавҳалар ижро этилди. Институт фойесида эса ёш ҳунарманд ва мусаввирлар тайёрлаган тасвирий санъат асарлари, халқ амалий санъати буюмларидан намуналар намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев сўзга чиқди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ДУНЁВИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА АНЖУМАН

***Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик бугунги кунда нафақат минтақа, балки бутун дунё учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Зеро, осойишталик фақат мазкур ҳудуд эмас, Европа, қолаверса, Америка қитъасида террорчилик ва наркобизнеснинг тарқалишига тўсиқ бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади.***

Шу маънода, «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда умумий ёндашув» мавзуида Тошкентда иш бошлаган халқаро анжуманнинг аҳамияти каттадир. Ушбу тадбир БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ташаббуси билан ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ мамлакат ва қирқдан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов мазкур халқаро анжуманнинг раиси этиб сайланди.

БМТ ва ЕХҲТ ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилишида бир таъкидни кўриш қийин эмас. Тошкент анжумани мамлакатимизнинг Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида минтақада терроризм, наркобизнес ва диний экстремизмнинг тарқалишига қарши олиб бораётган кескин ва кенг кўламдаги изчил кураши халқаро майдонда эътироф топаётганидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни сақлашда ўзига хос таянч база вазифасини ўтаётир. Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари кенг тан олинмоқда. Жумладан Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган «6+2» гуруҳининг фаолияти, Ислом Каримовнинг бу муаммони юксак минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамияти муҳокамасига қўяётгани, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун ўзининг янгидан-янги таклифларини илгари сураётгани ва бу борадаги бошқа таклифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тошкент анжуманининг улкан аҳамиятга эга эканини унда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарма ижрочи директори Пино Арлакки, ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер, турли мамлакатларнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этаётганидан ҳам билса бўлади. Анжуманда қатнашаётган давлатлар ва ташкилотлар, хусусан, БМТ ва ЕХҲТ вакиллари минтақа мамлакатлари, жумладан Ўзбекистоннинг юқорида номлари санаб ўтилган иллатларга қарши кескин ва қатъий қадамларини маъқуллади.

Анжуманда эътироф этилганидек, Марказий Осиё мамлакатлари гиёҳванд моддаларнинг ўз ҳудудидан олиб ўтилишига кучли тўсиқ қўя олди. Сўнгги бир неча йил ичида минтақа давлатларининг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва чегарачиларининг саъй-ҳаракати билан нархи миллиардлаб АҚШ долларига тенг келувчи катта миқдордаги гиёҳванд моддалар тутиб қолинди ва йўқ қилинди.

Тошкент анжумани иштирокчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда БМТ, ЕХҲТ, Марказий Осиё мамлакатлари ва донор давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, таҳдиднинг олдини олиш учун ягона маслаҳатлашув механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Гарчи анжуман Марказий Осиёда, яъни бир минтақада хавфсизлик ва барқарорлик масаласига бағишланган бўлса-да, унинг дунёвий аҳамияти каттадир. БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Бенита Ферреро-Валднер хоним таъкидлаганидек, эндиги вазифа Марказий Осиёга таҳдиднинг қанчалик хавфли эканини жаҳон жамоатчилигига тушунтириш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

**(ЎзА).**

*«Пахта — 2000»*

## БИР ТЕРИМДА...



*Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалигининг Жалил Бобобеков бошлиқ бригадаси пудратчилари ҳаракат қилган деҳқон айтган ҳосилини олиши мумкинлигини амалда кўрсатишди.*

БУ ЙИЛ 55 гектар ерга деҳқончилик қилган пудратчилар аввал бошданоқ ғўзанинг текис ривожланиши ва ҳосилнинг эрта ва баравар пишиб етилишини кўзлаб, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ва оби-тобида ўтказдилар. Натижада чаноқлар текис очилиб, ҳосилнинг асосий қисмини биринчи теримдаёқ йиғиштириб олиш имконияти туғилди. Бир вақтнинг ўзида тўртта «Кейс» ишга солинди. Мирмаҳмуд Мирюсупов ва Баҳодир Мавлонов кунига «Кейс»ларнинг бункеридан 30 тоннадан ошириб пахта тўкдилар. Майда карталарда эса қўл терими жадал олиб борилди.

Шу тариқа шартнома режаси 5 кунда бажарилди. Биринчи теримдаёқ гектаридан 25 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, юқори навга топширилди. Кунига 150-200 килограммдан пахта терган Гулнора Бойбекова, Муқаддас Хусанова, Кимёхон Талъатова сингари пудратчилар беш кунлик терим якунида 12-14 минг сўмдан ҳақ оладилар.

Аҳил бригада даласида терим давом этаяпти. Эндиги мўлжал — умумий ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш.

**Малика ТУРДИЕВА.**

**Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 октябргача бўлган**
**М А Ъ Л У М О Т**
*(фоиз ҳисобида)*

Биринчи устун – туманлар, иккинчи устун бир кунда терилган пахта, учинчи устун – мавсум бошидан бери.

| | | |
|---|---|---|
| 1. Пскент | 0,90 | 96,42 |
| 2. Чиноз | 0,78 | 94,17 |
| 3. Бўка | 0,70 | 89,86 |
| 4. Оққўрғон | 1,46 | 81,84 |
| 5. Янгийўл | 0,35 | 80,35 |
| 6. Бекобод | 0,91 | 79,28 |
| 7. Ўртачирчиқ | 0,17 | 76,66 |
| 8. Юқоричирчиқ | 0,18 | 68,22 |
| 9. Қуйичирчиқ | 0,77 | 59,51 |
| **Вилоят бўйича** | **0,74** | **80,24** |





*СУРАТЛАРДА: Чиноз туманидаги Турсуной Охунова номли жамоа хўжалиги теримчиси Рустам Турсунов (чапда) мавсум бошлангандан буён пешқадам бўлиб келмоқда.*

*Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота» жамоа хўжалиги чеварлари ким кўп пахта теришда бир-бирларидан қолишмайдилар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Шу сонга
## ЧИРЧИҚДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

***НЕФТЬ–ГАЗ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Бу соҳа мустақиллик йилларида тез суръатлар билан юксалиб бормоқда.***

Уларда ишлатилаётган турли мураккаб ва замонавий асбоб-ускуналар, технология жараёнлари ҳам кўпаймоқда. Бу ўз навбатида уларни вақтида таъмирлаш муаммосини ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда. Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу ишни бажаришда муайян қийинчиликларга дуч келиб қолди. Бунинг учун таъмирлаш базаси қуввати етарли эмас эди.

Корхона маъмурияти нефть-газ саноати тармоқларида ишлатилаётган компрессорлар ва бошқа асбоб-ускуналарни таъмирлашни талаб даражасига етказиш учун қўшма корхона барпо этиш йўлини излади. АҚШ тадбиркорлари бу муҳим ишда уларга ёрдам беришга розилик билдирдилар. Натижада корхона ҳузурида замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари билан ускуналанган қўшма корхонани барпо этиш ишлари бошланиб ниҳоясига етди.

Чирчиқдаги бу кенжа қўшма корхона жамоаси ўз меҳнати билан мамлакатимиз нефть-газ саноатининг ривожланишига ҳисса қўша бошлайди.

**Ўз мухбиримиз.**

*«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

## «ПОЧТАЛЬОННИ КЎРГАН БОРМИ?»



Газетамизнинг шу йил 18 октябрь сонида берилган «Почтальонни кўрган борми?» сарлавҳали танқидий мақолада Бўка тумани мисолида обунани ташкил этишдаги камчиликлар, жойларда газета ва журналларнинг обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги мисоллар билан очиб ташланган эди. Шунингдек, почта иши ва фаолиятини ҳар жиҳатдан яхшилаш юзасидан ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилганди.

Ушбу мақолага очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти директорининг муовини А. В. Ҳайдаровдан жавоб хати олинди. Унда қайд қилинишича, ҳақиқатан ҳам, ташкилий-тарғибот ишлари олиб борилишига қарамай, Бўка туманида 2000 йил учун обуна яхши ташкил этилмаган, таклиф ва тавсиялар эътиборсиз қолдирилган, оқибатда туманда обунанинг узвийлиги ва давомийлиги таъминланмаган.

— Бу билан биз ўзимизни оқламоқчи эмасмиз, — дейилади жавоб хатида, — бизнинг ишимизда ҳам камчиликлар бор. Мақола бу камчиликларни бартараф этиш ва унинг қайтарилмаслиги учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишда туртки бўлади. Айни вақтда ушбу мақола барча шаҳар ва туман почта бўлимларида ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш учун жўнатилди.

**Таҳририятдан:**

*Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти бошқаруви томонидан зудлик билан мақолага фикр билдирилганлиги ва камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли чоралар кўрила бошланганлиги бизни мамнун этди. Ўйлаймизки, бунга мутасадди бўлган бошқа ташкилотларда ҳам шу куннинг долзарб масаласи кўтарилган бу мақола атрофлича ва жиддий муҳокама қилинади ва асосий эътибор обунани ташкиллаштириш, оммавий-ахборот нашрларининг вилоятимиз узоқ қишлоқларидаги хонадонларга ҳам кириб боришини таъминлашга қаратилиши учун барча чораларни кўрадилар.*

## «ЛЕКШТЕЙН» БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ҚИБРАЙ тумани ишбилармонлари эзгу ишга қўл урдилар. Тузелдаги «Жамол» хусусий фирмаси раҳбарлари Германиянинг «Лекштейн» фирмаси тадбиркорлари билан ҳамкорликда қўшма корхона қуришга киришдилар. Айни кунларда корхонада газламаларга ранг-баранг гул босадиган хорижий дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Қўшма корхона ишга тушгач, 250 нафар маҳаллий аҳоли янги иш ўринлари билан таъминланади.

*Инсонпарварлик*

## ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

***Одамийлик, саховатпешалик, дўстга, биродарга елкадош, кўмакдош бўлиш халқимизнинг улуғ қадриятларидан биридир. Яқинда вилоятимиздаги бир қатор корхона ва хўжаликлар жамоалари ана шундай хайрли ташаббус билан чиқдилар. Уларнинг бу ташаббуси вилоят ҳокимлиги ва меҳнаткашлари томонидан қўллаб-қувватланди. Зеро, бунинг тагида чуқур инсонийлик хислатлари ётипти.***

Маълумки, 2000 йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши ва қурғоқчилик оқибатида деҳқончилик, халқ хўжалигининг турли тармоқларида бирмунча мураккабликлар юз берди. Бу, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида оғир кечмоқда. Шундай кезларда вилоятимиз меҳнаткашлари қардош қорақалпоқ халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни ўзларининг бурчлари деб билдилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, сабзавот етиштирувчи хўжаликлар, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан бошлаган ташаббусларига барча бажонудил қўшилди ва ўзининг ҳиссасини қўшишга бел боғлади. «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик компанияси Тошкент бўлими корхоналардан ва хўжаликлардан келтирилган маҳсулотларни жойлаш ва юкларни манзилга етказиб бериш учун вагонлар ажратган бўлса, вилоят божхона бошқармаси юкларни ўз ваколатлари доирасида расмийлаштириш ва жўнатишда ҳисса қўшажакларини маълум қилдилар.

«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти жамоаси биродарларимизга ўз ҳисобидан 3 тонна ўсимлик ёғи, 3 тонна хўжалик совуни ажратишга қарор қилган бўлсалар, «Лаззат» акционерлик жамияти жамоаси 4,5 тонна конфет ва печеньелар, «Конмит» қўшма корхонаси 4,5 тонна крекер печеньелари, «Айлин» қўшма корхонаси 3 тонна ун, бир тонна шакар ва печеньелар, «Вилоятматлуботсавдо» акциядорлик компанияси 4 тонна макарон маҳсулотлари, «Вилоятсавдо» акционерлик компанияси бир тонна чой ва озиқ-овқат концентратлари, «Ғазалкентконсерва», «Янги Тошкентконсерва», «Янгийўлконсерва» ҳиссадорлик жамиятларининг ҳар бири 4 тоннадан жами 12 тонна мева-сабзавот консервалари, Олмалиқдаги «Паллада Восток» корхонаси 3 тонна кир ювиш воситалари, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси 300 жуфт калиш маҳсулотлари ажратдилар.

Сабзавот етиштирувчи туман хўжаликлари ҳам бу хайрли ишдан четда турмасликка аҳд қилдилар. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Қибрай ва Зангиота, Тошкент, Паркент туманларидаги 72та жамоа хўжаликлари Қорақалпоғистон халқига 60 тонна картошка, 60 тонна пиёз, 50 тоннадан ортиқ мева маҳсулотларини жўнатишга тайёрлаб қўйдилар. Бу ташаббусга мева ва боғдорчиликка ихтисослашган Чиноз туманидаги «Олмазор», Қуйичирчиқ туманидаги Отажонов номли, Янгийўл туманидаги «Халқобод», Юқоричирчиқ туманидаги Охунбобоев номли, Пскент туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари ҳам бажонудил қўшилдилар.

Эрта-индин озиқ-овқат, истеъмол моллари ва сабзавот маҳсулотлари ортилган вагонлар Нукус шаҳрига йўл олади. Албатта, гап уларнинг миқдорида ҳам эмас. Энг муҳими вилоятимиз меҳнаткашларининг бу инсонпарварлик ёрдами, саховати ва хайрли ташаббуси қардош қорақалпоқ халқига маънавий озиқ беради. Бу уларнинг ҳеч қачон ёлғиз қолмасликлари, ён-атрофда уларнинг ютуқларидан севинадиган, оғир кунларида елкадош бўладиган дўстлари, биродарлари борлигидан бир нишонадир. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Биз келажаги буюк мамлакатни қураётган улуғ халқлармиз. Бу инсонпарварлик ташаббуси билан чиққан кўп миллатли Тошкент вилояти аҳлининг якдил фикридир.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ижтимоий ҳаёт*

# «МАҲАЛЛАДА АЁЛ ВА ДИН»

***ВИЛОЯТ хотин-қизлар қўмитасининг бевосита қўллаб-қувватлаши ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ва «Аёл ва жамият» институти ташаббуси билан шаҳар ва туманларимизда турли тадбирлар ўтказиб турилиши анъанага айланиб қолди. Куни кеча эса ана шундай тадбирлардан бири вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтди.***




«Маҳаллада аёл ва дин» мавзуидаги ушбу семинарда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган хотин-қизлар иштирок этдилар. Вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева иштирокидаги мазкур тадбир мобайнида бугунги куннинг бир қатор долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, Манзурат Холматова, Баҳодир Сидиқов, Азиз Татибоев каби олимларнинг «Ислом динида аёлларнинг ўрни. Республика барқарорлигини мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг роли», «Ислом ва сиёсат: Дунёвий давлат ва дин эркинлиги», «Муқаддас диний китоблардаги тинч-тотув яшаш ғояларининг Марказий Осиё халқлари анъаналарида акс этиши», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун» мавзуидаги маърузаларни тингладилар.

Семинар сўнгида тингланган маърузалар бўйича ҳамда «Аёлларнинг динга ва диннинг аёлларга нисбатан муносабати» мавзуида мунозара бўлиб ўтди. Тадбир ниҳоясида мазкур семинар иштирокчиларига махсус сертификатлар топширилди.

Вилоятимиз аёлларининг жамият ҳаётидаги мавқеини ошириш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётда янада фаоллашувига ҳисса қўшиш мақсадида уюштирилаётган бу хил тадбирларни яна давом эттириш режалаштирилган.

**Убайдулла ҲИКМАТОВ.**

*СУРАТДА: семинар маърузалари бўйича мунозаралар пайтидан бир лавҳа.*

***Аида САИТОВА суратга олган.***

# «КОМПОЗИТ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

***Биз совуқ тушиши билан уйларда иситиш батареяларининг «қулдираб» қолишига ўрганиб кетганмиз. Иситиш тизимидаги ҳар қандай узилиш бизда норозилик уйғотади, бироқ носозликлар нимадан келиб чиқиши ва нима учун турар-жой хизмати ходимлари труба ва батареяларни тез-тез алмаштириши аксарият кўпчиликни қизиқтирмайди.***

*Фан ва тараққиёт*

Иситиш асбоблари ишдан чиқишининг сабабларидан бири – буғ қозонлари, иссиқлик алмаштиргичлар ва қувурларнинг ички томонида қурумларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу эса иссиқлик таъминотида ишлатиладиган ва таркибида турли хил тузлар мавжуд бўлган сувнинг қаттиқлиги туфайли содир бўлади. Агрегатлар ва қурилмалар ҳар йили хлорид сиркаси билан қурумлардан тозаланади. Ушбу усул қиммат бўлиши билан бирга атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳам олиб келади.

Олимлар мазкур муаммони ҳал этиш хусусида бош қотирмоқда. Қулай усуллардан бирини Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-техника мажмуининг «Композит» илмий-техника маркази тавсия этди. Бу ерда академик С. Негматов раҳбарлигида Фан ва техника давлат қўмитасининг инновацион ишлар дастури доирасида иссиқлик тизимида қатламлар, қурумлар ва чиришларнинг олдини олиш учун мўлжалланган тажриба-саноат мосламасининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Янги технологиянинг аҳамияти шундан иборатки, қурумлар қозонлар ва трубаларнинг ички сиртида эмас, балки бевосита киритилган махсус майда ғовакли мосламаларда пайдо бўлади ва кейинчалик қатламлар йиғилишига қараб, тизимдан енгил чиқариб юборилади. Шуниси қизиқарлики, «қурумга қарши» деб номланган бу мосламалар айрим ўсимликлар барглари экстрацияси маҳсулотларидан ҳам тайёрланиши мумкин. Бир томондан, улар сувда тез эрийди, иккинчи томондан эса сувнинг таркибидаги тузларни шимиб олиш қобилиятига эга. Тадқиқотлар давомида қурум пайдо бўлишига қарши мосламанинг қўшилиши сув қаттиқлигининг аста-секин пасайиши, кейинчалик эса сувнинг тўла юмшашига олиб келиши аниқланди.

«Композит» таклиф этаётган усул қиммат турадиган кимёвий ингредиентлар импортидан воз кечиш, тозалашлар орасида қозонлардан фойдаланиш муддатини тўрт-беш маротаба узайтириш, қозон агрегатларининг ишлаши учун газ сарфини 20-30 фоизга камайтириш имконини беради. Энг муҳими, бу усул иссиқлик таъминоти тизимини иситиш мавсумига тайёрлаш жараёнида атроф-муҳит ифлосланишига олиб келмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлимида ишлаб чиқилган иссиқлик берувчи агрегатларнинг ички юзасини тозалаш усули ҳам экологик жиҳатдан хавфсиз ва самаралидир. Амалиёт шуни кўрсатадики, қурумга қарши курашда реагент усулидан ташқари акустик усул ҳам яхши натижалар бермоқда. Бунда ускунанинг ичига узлуксиз қисқа ультра товушли импульслар билан таъсир этиб, туз пайдо бўлишининг олди олинади ва пайдо бўлганлари қат-қат бўлиб кўчади. Физика-математика фанлари доктори А. Алиев бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар ҳам Фан ва техника давлат қўмитасининг дастури доирасида маҳаллий материаллардан шунга ўхшаш ультратовуш мосламасини яратишга оид илмий-техника лойиҳасини ишлаб чиқишди.

Янги асбоб «Тошиссиқликмаркази»нинг корхоналарида синовдан ўтказилди. Ушбу синовлар асбобнинг самарали эканлигини кўрсатди, бунинг устига, у сифатига кўра Россияда ишлаб чиқарилган шу каби асбоблардан қолишмаслиги ва баъзи бир жиҳатларига кўра ҳатто улардан устун туриши аниқланди.

Олимлар ўз вазифаларини бажаришди. Энди навбат ишлаб чиқарувчиларга. Зеро, янгиликни жорий этиш иқтисодий фойда келтирибгина қолмай, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам ёрдам беради.

***А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.***

# ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

***Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Уни жамғарма раиси, академик Бўрибой Аҳмедов бошқарди.***

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилда ташкил этилган жамғарма буюк соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ тарихий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, темурийлар даврига оид меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлашга доир ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, тарих соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳам жамғарманинг вазифаларидан саналади. Ҳозирда жамғарманинг барча вилоятларда, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистонда буюк ватандошимиз ҳаётини ўрганувчи бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган вақт мобайнида жамғарма томонидан Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга оид йигирмадан зиёд китоб нашр этилди. Соҳибқирон ҳаётига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, учрашув ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Миср, Германия, Франция, Англия, АҚШ, Озарбайжон каби давлатлар кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ўн беш мингга яқин китоб рўйхати тузилди. Келажакда эса уларнинг фотонусхаларини олиб келиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, жамғарманинг барча вилоятлардаги фаолияти ҳам бирдек самарали бўлмаяпти. Амир Темур номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар, тарихий ёдгорликларга хорижий сайёҳлар эътиборини жалб этиш, обидаларни таъмирлаш ишларини ҳам жонлантириш зарур.

Мажлисдан сўнг Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси ўтказган лотереянинг икки нафар омадли соҳибларига – Навоий вилоятининг Қизилтепа шаҳрида яшовчи Рашид Тўйбоев ҳамда Сурхондарёнинг Жарқўрғон шаҳридан келган Абдураҳим Ашуровга «Дамас» автомашиналари топширилди.

***Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

# УЗУМНИНГ УЧДАН БИРИ – ЭКСПОРТГА

БУ ЙИЛ Қибрай тумани сабзавоткорлари, боғбон ва соҳибкорлари учун саҳоватли келди. Улар асосий экин турлари, мева ва узум етиштириш ҳамда давлатга топшириш режаларини вилоятда биринчи бўлиб, муддатидан илгари адо этдилар. Ушбу ютуқда «Истиқлол» ширкат хўжалиги меҳнаткашларининг улуши айниқса салмоқлидир.

Хўжалик боғбонлари 230 гектар майдондан режадаги 615 тонна ўрнига 1100 тоннадан зиёд ҳосил териб олдилар. Сабзавоткорлар эса 2100 тонна ўрнига 2600 тоннадан ошириб маҳсулот топширдилар.

Айниқса, токзорларда ҳосил мўл бўлди. Соҳибкорлар режадаги 160 тонна ўрнига 250 тоннага яқин узум сотишга эришдилар. Шундан 50 тоннадан зиёди хорижга экспорт қилинди.

Ҳосил айни ғарқ пишган паллада Тошкент ўрмон-мелиоратив билим юртининг 350 нафар талабаси хўжалик аъзоларига катта ёрдам кўрсатди.

*СУРАТЛАРДА: (чапда) Дилфуза Худойберганова, Дилбар Ҳасанбоева, Жамшид Умаров, (ўнгда) Насиба Соатова, Нодира Ирисметова кунига 500 килограммдан узум узиб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***





# ҚУВВАТ БАРҚАРОРЛИГИ УЛАРГА БОҒЛИҚ

***Бу корхона жамоаси зиммасига жуда масъулиятли вазифа юклатилган. Унинг аъзолари Ангрендаги барча кўмир саноати корхона-ташкилотларни электр қуввати билан таъминлашлари керак. Тармоқдаги электровозлар, экскаваторлар ва бошқа шу каби электр билан ишлайдиган барча кончилик асбоб-ускуналарининг бир маромда ишлаши кўп жиҳатдан уларга ҳам боғлиқ.***

«Кўмирэнерго» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари буни чуқур ҳис қилиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ўн иккита ёрдамчи станциялар, улардаги трансформаторларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминламоқдалар. Бунда етакчи механика цехи жамоасининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилнинг ўтган тўққиз ойлик топшириғини 104 фоиз қилиб бажариб, кўмир корхоналарини ҳаётбахш нур билан таъминлашда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Ишчилардан И. Ҳамроқулов, ака-ука Азаматовлар, А. Мадусмонов, М. Ҳамроқуловлар ҳар куни топшириқни ўн фоиздан ошириб адо этмоқдалар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

# ЯНГИ ЙЎЛ ЛОЙИҲАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз темир йўллари тармоғини кенгайтиришга «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат темирйўл ҳиссадорлик компаниясига қарашли «Гипротранс» жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг муҳандис ва меъморлари тайёрлаб бераётган лойиҳалар асосида қатор темирйўл кўприклари қурилмоқда. Улар яратган Чирчиқ дарёси устидан ўтказилган Тошкент-Ангрен кўприги лойиҳаси ҳам юқори баҳо олди.

Жамоа бу изланишларини давом эттириб, Ангрен-Поп темир йўл линияси лойиҳасини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу бунёдкорлик жараёнида темир йўл кўприкларини қуриш ҳам назарда тутилган.

***Акбар АЛИЕВ.***

# ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология Бош бошқармасида «Геофизикавий масалаларни ҳал этишда замонавий таҳлилий усуллардан фойдаланиш» мавзуидаги республика илмий-назарий конференция бошланди. Унда математик моделлаштириш, ахборот технологиялари ва атроф-муҳит экологияси муаммолари муҳокама қилинмоқда. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ёрдамида В. Бугаев номидаги Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россиянинг гидрометеорология хизматлари, академик институтлари, миллий марказлари, илмий-тадқиқот ва ўқув муассасалари мутахассислари иштирок этмоқда. Улар гидрометеорологик ва геофизик маълумотларни, шу жумладан Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида олинган маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасидаги тажриба ва янги технологиялар билан ўртоқлашмоқда. Анжумандан кўзланган асосий мақсад – об-ҳавони олдиндан айтиб беришнинг аниқлигини ошириш, шунингдек, жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ноқулай метеорологик ҳодисаларни олдиндан айтиб беришда олимлар ва мутахассис-амалиётчиларнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Анжуман уч кун давом этади.

# АКЦИЯЛАР СОТИШ УЧУН ЧИҚАРИЛАДИ

## Уларнинг сотилмай ётишига асло йўл қўймаслик даркор

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли мулкчиликнинг турли шакллари юзага келмоқда.***

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамон давом этмоқда. Йирик ва катта салоҳиятга эга бўлган корхона-ташкилотларнинг аксарияти ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Натижада уларнинг мустақиллиги кучаймоқда, аксарият кўпчилигининг жамоалари уларнинг ҳақиқий ёки қисман эгалари бўлиб қолмоқда. Айримларида эса ҳали ҳам давлат улуши сақлаб қолинмоқда, мулкка эгалик қилувчилар сафига хорижий ва ички сармоядорлар ҳам қўшилмоқдалар.

Акциядорлик жамиятлари мунтазам кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойи охирларига келиб 385тага етди. Уларнинг вилоятимиз иқтисодиётидаги мавқеи тобора кучайиб бормоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу жамиятларнинг деярли ҳаммасини очиқ турдагилари ташкил этади. Фақат ўн иккитаси ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларидир. 320таси давлат мулки негизида ташкил этилган.

Маълумки, акциядорлик жамияти турли сармоядорлар, корхона, ташкилот, банк, компания, жамоа ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва мулкка эгалик қилиш мақсадида бирлаштирадиган жамият ҳисобланади. Муомалага номинал қиймати кўрсатилган акциялар чиқариш ва уни сотиш уларнинг молиявий негизини ташкил этади. Вилоятимиздаги акциядорлик жамиятлари ўзларининг қимматли қоғозларини сотувга қўйганлар. Масалан, ҳозиргача 102 миллиондан ортиқ акциялар чиқарилган. Улар турли номинал қийматга эга.

2000 йилнинг тўққиз ойида жами 548258 минг сўмлик акцияларни сотиш топшириғи белгиланган эди. Лекин, унинг уддасидан тўла чиқилмади. Бу топшириқнинг бажарилиши бор-йўғи 69,5 фоизини ташкил этди.

Ҳиссадорлик жамиятлари акцияларини чет эл ва маҳаллий инвесторларга сотиш бўйича ишлаб чиқилган ва вилоят ҳокими тасдиқлаган ҳудудий дастурларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинди. Шунга мувофиқ жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 382 миллион 257,9 минг сўмлик акциялар сотилди. Иккита корхона – «Ўзгидравлика» ва «Умид» ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари 92 миллион сўмга пулланди. Акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олувчи чет эл инвесторларини қидириш ва жалб қилиш бўйича муттасил олиб борилган ишлар ҳам ўз натижасини берди. Айрим жамиятларнинг қимматли қоғозларига харидорлар топилди. Чунончи, Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятининг 1290 минг АҚШ долларилик акциялар пакетини харид қилиш-сотиш бўйича Швейцариянинг «Петролекс» компанияси билан шартнома имзоланди. Маҳаллий саноатга қарашли «Мафтуна» акциядорлик жамияти билан Жанубий Кореянинг «Донг-Сан» ва «Донг Синг» фирмалари ўртасида акцияларни сотиб олиш ҳақида ниятлар баённомаси имзоланди. Унга мувофиқ бу хорижий фирмалар томонидан акциядорлик жамияти акцияларини 51 фоизи ва давлат улуши акцияларининг 13 фоизи пакетини сотиб олиш назарда тутилган. Американинг «ФЕС интернотионал» фирмаси раҳбарияти эса «Тошкентбройлер» акциядорлик жамиятининг 100 фоиз акцияларини сотиб олиш масаласини кўриб чиқмоқда. Агар бу ижобий натижа билан тугаса 7 миллион 200 минг АҚШ долларини жалб қилиш имкони туғилади. Вилоятдаги бошқа корхоналарнинг ҳам акцияларини сотиб олиш учун чет эл сармоядорларини излаш бўйича ишлар бундан буён ҳам изчил олиб борилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Оҳангаронцемент»; «Сантехқуйма» акциядорлик жамиятлари, Чирчиқдаги «Композит» тажриба-экспериментал заводи акцияларини сотиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Вилоятимиздаги еттита акциядорлик жамияти ўз акцияларини сотишда дуруст натижаларга эришмоқда. Уларнинг биринчи чиқарган бундай қимматли қоғозлари тўла сотилиб кетди. Шундан кейин уни иккинчи бор чиқардилар. Уларнинг эмиссия проспектлари рўйхатга олинди. Бундай жамиятлар тажрибаси пухта ўрганиш ва кенг ёйиш учун арзигуликдир.

Лекин, умуман вилоятимизда ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини сотиш топшириқлари бажарилмаяпти. Айниқса, шу йилнинг 3 чорагида, июль-август ойларида бу иш сусайиб кетди. Шу даврда 195,6 миллион сўмлик ўрнига 92,5 миллион сўмлик акциялар сотилди. Оқибатда бу муҳим кўрсаткич бўйича тўққиз ойлик режанинг бажарилмаслигига олиб келди.

Вилоятимизнинг шаҳарларидагина эмас, қишлоқ туманларида ҳам акциядорлик жамиятлари ишлмоқда. Лекин, уларнинг кўпчилиги акцияларини номигагина чиқариб қўйишган, уларни сотиш, бунинг учун харидорлар излаш билан деярли шуғулланмаяптилар. Бу эса туманлар ҳокимликлари ва бошқа мутасадди идоралари бу ишда акциядорлик жамиятларига ёрдам қўлини чўзмаётганликларидан далолат беради. Чунончи, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Қуйичирчиқ, Пскент, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманларидан акциядорлик жамиятлари бўйича учинчи чоракда акция умуман сотилмаган.

Акцияларни сотиб олиш негизида моддий манфаатдорлик туради. Бундай қимматли қоғозларни харид қилмоқчи бўлган ҳар бир юридик ва жисмоний шахс аввало фойда кўришни назарда тутади. Акцияларнинг фойда бермаслиги аниқ бўлса, уни ким ҳам сотиб олади? Албатта, ҳеч ким! Демак, акцияларни сотишни мўлжаллаган ҳар бир ҳиссадорлик жамияти барқарор, бир маромда ишлашга эришаётган, махсулотлари харидоргир, бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитларида ўзининг мустаҳкам мавқеига эга бўлмоғи лозим. Шундагина унинг акцияларини сотиб олувчилар топилади. Аҳвол аксинча бўлган ҳиссадорлик жамиятлари ҳали кўп. Уларнинг акциялари сотилмаётганлигини кўп жиҳатдан шу билан изоҳлаш мумкин.

Акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини сотишда брокерлик идоралари билан ҳамкорликни етарли йўлга қўймаганлар. Бунинг устига акциядорлик жамиятлари билан вилоятдаги бирорта ҳам брокерлик идораси ишламаяпти. Асосан, Тошкентдаги қатор брокерлик идоралари ҳамкорлик қилмоқда. Бунда «Давинком» давлат инвестиция фондининг вилоят филиали мутахассисларининг айби бор. Улар вилоятдаги акциядорлик жамиятлари билан ишлашда вилоятнинг манфаатини ҳисобга олмаяптилар. Акцияларни сотиш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштиришда вилоят кодини қўймасдан Тошкент шаҳри, ҳатто Сирдарё ва республикамизнинг айрим бошқа вилоятлари кодини қўймоқдалар. Бунинг оқибатида акциядорлик жамиятларининг бир неча миллион сўмлик акциялари йўқотилди. Бу акцияларни вилоят ҳисобига қайтариш мақсади билан кўрилган чоралар натижа бермади. Шундай бўлгач, акцияларни сотиш билан вилоятдаги брокерлик идоралари фаол шуғулланишларига эришиш керак. «Давинком» ДИФнинг вилоят филиалидан бунга эришиш учун барча чора-тадбирларни кўриш талаб қилиниши лозим.

Акциялар сотилишидан биринчи навбатда уни чиқарган ҳиссадорлик жамиятлари манфаатдор бўлади. Шундай бўлгач, аввало, уларнинг ўзлари бу ҳақда қайғуришлари лозим. Бунинг учун ишлаб чиқариш фаолиятларининг кўрсаткичларини яхшилашлари, акциялар учун тўланадиган дивидендларини кўпайтиришлари зарур. Шундай бўлса акцияларга харидорлар кўплаб топилади. Бундан тушган маблағ эса бевосита жамиятларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, оборот маблағлари кўпайишига, демак, замонавий асбоб-ускуналар ва янги технологияларни кенгроқ жорий қилишга сарфланади. Шунинг учун бу муҳим ишда вилоятдаги мутасадди ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, хусусийлаштириш бўлимлари, биржалар, банклар, «Давинком» ДИФ филиали, брокерлик идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорликни кучайтиришлари айни муддаодир. Ҳа, акциялар сотиш учун чиқарилади, уларнинг сотилмай ётишига асло йўл қўймаслик даркор.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Чирчиқ ҳарбий гарнизони мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Гарнизондаги раҳбар ҳарбий ходимлар, прокурорлик, суд ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мажлисда «Диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари», «Ҳарбий хизматчилар орасида қонунчилик ва Ўзбекистон республикаси қуролли кучлари таркибидаги ҳарбий хизмат Низомлари талабларининг бажарилиши», «Қонун ва қонунчиликни мустаҳкамлаш» масалалари кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчилари ҳарбий хизматчилар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳарбий интизом талабларига риоя этишни кучайтириш ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби мавзулардаги қатор маърузаларни тингладилар ва муҳокама қилдилар.

***Шокир ТЎҒОНОВ.***

# ЎЗБЕКЧА ГАПИРАВЕРИНГ, ТУШУНАМАН...

***«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижроси ишлаб чиқариш корхоналарида қандай амалга оширилмоқда? Ушбу саволга жавоб излаб, «Эйвалекмахсустемирбетон» акциядорлик жамиятига бордим. Корхона бош директори Б. Канга, одатга кўра, рус тилида мурожаат қилдим.***

– Нега давлат тилида гапирмайсиз? Гапираверинг, мен тушунаман, – деди у киши азбаройи куюниб, астойдил хафа ҳам бўлгани сезилиб турарди. – Ахир, бу ҳақда махсус Қонун бор. Уни бажаришда сиз ўзбеклар бошқаларга ибрат кўрсатишингиз керак. Борди-ю сизлар ўз тилингизни менсимасангиз, бошқалар нима қилсин? Кундалик ҳаётда ўзбек тили асосий муомала воситасига айланмаса, муомала муҳити яратилмаса, қонунда белгилаб қўйилган ҳамма ишлар қоғозда қолиб кетаверади! У ҳолда биз русийзабонларга ҳам қийин, қачон давлат тилини ўрганамиз?

Мен шу юртда туғилиб ўсдим, вояга етдим. Шу корхонада кўп йиллардан бери ишлаб келаман, – деб сўзида давом этди Борис Григорьевич. – Бир йилдан ошди жамоага етакчилик қилиб келаётганимга. Биласизми, давлат тилини билишга ҳеч қачон ҳозиргичалик эҳтиёж, зарурат сезмаган эканман. Ўзингизга маълум, раҳбар сифатида ҳар хил миллат вакилларини қабул қилиш, турли даражадаги анжуманларда қатнашишга тўғри келади. Йиғинлар ҳам давлат тилида олиб борилмоқда. Ана шундай пайтда ҳеч нимани тушунмай ўтиришим, мулоқотга эркин киришолмаслигим қаттиқ алам қилиб кетаркан. Ахир, тил билган дил билади, деб ўзбеклар бекор айтишмаган. Қолаверса, бу шу юрт, шу халққа ҳурмат, эҳтиром рамзи...

Корхонамизда давлат тилини кенг қўллаяпмиз. Мана, буйруқларнинг биронтасини рус тилида чиқармаяпман. Аризалар, хизмат хатлари ҳам фақат ўзбек тилида қабул қилиняпти. Фақат йиғилишларнигина, зарурагта қараб, икки тилда олиб боряпмиз. Бу ёғини сўрасангиз, ҳозир ходимларимизнинг аксарияти давлат тилини яхши тушунади, мулоқот қила олади.

Мени фақат бир нарса кўпроқ ўйлантиради. Оддий ишчиларимиз-ку майли, ҳатто, етакчи мутахассисларимиз ҳам, ўзлари ўзбек бўла туриб, менга рус тилида мурожаат этишни канда қилиша олмаяпти. Мен бунга жавобан эндиликда улардан фақат ўзбек тилида сўзлашини талаб қиляпман.

Корхона ходимлар бўлими фаолияти билан танишамиз. Бўлим бошлиғи Вера Михайловна Голубничева ҳам (ҳақиқий рус аёли) давлат тилини бинойидай тушунар, ўзбекчада «атак-чечак» қилаётганлардан экан. «Бундан бир неча йил илгари давлат тилини ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил этилган эди, биз у ерда бепул сабоқ олдик. Афсуски, у вақтлари бу тадбирга бефарқ қараган эканмиз. Энди мустақил ўрганишга тўғри келяпти. Чунки ҳаёт шуни тақозо этаётир, – дейди суҳбатдошимиз кулимсираб ва хазиломуз қўшиб қўяди. – Аммо, биласизми, ўзбек ҳамкасбларим тил ўрганишга ҳар доим ҳам бирдай ёрдам бераётгани йўқ. Нуқул рус тилида гапиришгани-гапиришган. Фақат ҳисобчимиз Жамиладангина хурсандман. У менга доимо давлат тилида мурожаат қилади».

**Бугун – «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун**

Вера Михайловнанинг корхонага ишга келганига ўттиз йилча бўлиб қолибди. Мана, йигирма йилдирки, кадрлар бўлимини бошқариб келади. Ўзининг таъкидлашича, бутун қувончу ташвишлари, тақдири шу жамоа билан чамбарчас боғлиқ. Не-не одамлар билан ишлашмади, уларнинг «Меҳнат дафтарчаси»га қўли тегмади, дейсиз. Жамоа эса хийла катта. Бу ерда ўзбеклар, қозоқлар билан бирга руслар, украинлар, корейслар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ҳатто немислару грекларгача бор. Чин маънодаги байналмилал жамоа. Кўпчиликда давлат тилига қизиқиш кучли. Аммо баъзилар ёши ўтиб қолгани боис, тил ўрганишга ҳафсала қилмай қўйган. Вера Михайловна ҳам ўзбек тилида мулоқот қилиш, иш юритиш қийин кечаётганини яширмайди. «Биз вақтида ўрганолмадик, аммо неварам Владик ўзбек тилини сувдай билади, – дейди мамнун ҳолда. – Боғчага қатнаб яхши ўзлаштириб олган. Уйда ҳам биздан давлат тилида сўзлашишни талаб қилгани-қилган. Давлат тилини энди ана шу неварамиздан ўрганяпмиз».

Суҳбатдошим менга яқинда олиб келинган лотин алифбосидаги «Меҳнат дафтарчаси»ни кўрсатди. Бундан буён уларни лотин алифбосида тўлғазишини, шунга жиддий тайёргарлик кўраётганини айтди. Давлат тилини мукаммал билмаган одам учун бу анча қийин, албатта. «Аммо орадан йиллар ўтиб, ходимларимизга қанчалар қулай бўлишини кўз олдимга келтирсам, қилаётган ишимдан нимагадир хурсанд бўлиб кетаман, – деди Вера опа. – Ахир биз 2005 йилга бориб лотин алифбосига барибир тўла ўтамиз».

Вера Михайловна давлат тили тўғрисидаги қонунни бажариш борасида ўзи амалга ошираётган ишлар хусусида мароқ билан сўзлади. Ютуқ ва муаммоларни айтди. Айни чоғда эътирозларини ҳам яширмади. Бу эътирозларга эса қўшилмай иложингиз йўқ. Унинг кузатишича, аксарият корхоналарда кадрлар бўлимлари бошлиқлари ўзбеклар. Аммо шунга қарамай улар «Меҳнат дафтарчаси»ни давлат тили бир ёқда қолиб, ҳамон рус тилида тўлдириб жўнатишмоқда. Юқори ташкилотлардагилар ҳам давлат тили тўғрисидаги қонунга кўпда амал қилишмаяпти.

Биз бу эътирозни корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Х. Жонузоқовдан ҳам эшитдик. Худойберди ака фикрига исбот тариқасида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг бажарилиши тўғрисида Марказий Қўмита котибиятининг шу йил 25 июлда қабул қилган қарори нусхасини ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ана шу юқори ташкилотдан олинган рус тилида битилган бир неча хатни кўрсатди. «Юқоридагилар қуйидагиларга, катталар кичикларга ҳар соҳада ибрат, намуна бўлиши керак эмасми? – дейди куюниб Х. Жонузоқов. – Бундай салбий ҳолатлар қачонгача давом этади? Акс ҳолда Қонун қоғозда қолиб кетавериши турган гап».

Корхонанинг шпал ишлаб чиқарадиган асосий заводида тўрт юз эллик киши уч сменада ишлайди. Кўргазмали тарғибот асосан давлат тилида. Аммо айрим жойларда рус тилидаги ёзувлар ҳамон сақланиб қолган. Цех бошлиғи ўринбосари Йўлдош Абдуқодиров ҳафсаласизлик қилиб келганларини яширмайди. Айни пайтда ишлаб чиқариш терминларини таржима қилишда қийналаётганини, махсус луғатлар йўқлиги, бўлса ҳам ҳозирча етиб келмаганини айтади.

Биргина шу корхона тажрибаси ҳам давлат тилини жорий қилиш фақат истак ва интилишга боғлиқ эканини кўрсатиб турибди. Айтмоқчимизки, уйдан остона ҳатлаб кўчага чиққанда, ишга, ўқишга борганда бурч, масъулият туйғусини унутмаслик зарур, одамлар билан муомалада фақат давлат тилида сўзлашни одат қилинг. Сизни тушунишади ва бундан ҳеч ким хафа ҳам бўлмайди. Аксинча, миллий ғурурингизни азиз тутганингиз учун атрофдагиларнинг сизга нисбатан ихлоси ортади.

***Н. ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

*Маънавият*

# ТАШНАЛИК

***Ҳали мактабга бормасимдан Обид акамнинг китобларини қўлимга олиб, қизиқиш билан томоша қилардим. Нималар ёзилганини билиш учун ўқиб беринг деб ялинардим. Билиб, хурсанд бўлганимни эсласам, ҳали ҳам юрагим орзиқади.***

1945 йилда қишлоққа кўчиб келганимиздан сўнг, бу қизиқиш яна ҳам ортди. Тошкентга қариндош-уруғларни кўргани борган Обид акам қайтишларида Алексей Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда» романини ола келибдилар. Саводим анча чиқиб қолгани учун китобни қўлимдан қўймасдим. Ўқиб одамзотнинг иродасига қойил қолгандим. Абдулла акам иккимиз китоб деб, Тентаксойдан Шўралисойгача бир неча чақирим яёв борардик. Ҳамроқул ота Турсунқулов ташкил этган китоб дўконидан арзон китоблардан сотиб олиб, жазирама иссиқ кунлари яна пиёда қайтардик. Китоблар билан ошно бўлган сари руҳимиз тобора енгил тортарди.

У пайтларда ҳозиргига ўхшаган махсус ўқув қуролларини солиб юрадиган папкалар йўқ эди. Онамиз тикиб берган мато жилдларни елкамизга осиб, уч чақиримча наридаги мактабга жўнардик. Мактабимизда кутубхона йўқ эди. Кейинчалик синф раҳбаримиз китобга қизиқишимизни пайқаб, ўз уйлардаги китобларини ўқишга бериб турганларидаги қувончимизни асти қўяверасиз.

Китобхонамиз тобора бойиб борарди. Дадамиз арабча билардилар. Айрим эскича китоблар ҳам бор эди-ю, яшириб сақлардилар. Бўри қори, Воис қори, Сари мулла, Туркистон домла сингари энг қадрдон дўстларини қиш кезлари таклиф этганларида ўша китоблар ўқилар, бизни ҳам чақириб, эшитишга даъват этардилар.

Илмга ташналик, пайғамбар ёшига чиқаётган бўлсамда, мени тарк этгани йўқ. Ўғил-қизларим, келинларим, невараларимни ҳам илмга қизиқтиришга ҳаракат қилаяпман. Данғиллама уй-жой қуриш, тўйиб-тўйиб ебичишлар, қимматбаҳо кийимлар кийишлар ҳаммаси ўткинчи. Энг муҳими сабртоқат билан илм-ҳунар эгаллаш, бу йўлда эринмаслик, ҳаётни маишатдан иборат деб тушунмасликларини қуйиб-пишиб тушунтираман. Ниятим – оиламнинг 18 аъзоси, наинки улар, балки ҳамманинг ҳам қўлидан китоб тушмасин, дейман.

***Маҳмуд АҲМЕДОВ,***
***меҳнат фахрийси.***

*Ёзувчиларнинг янги асарлари*




Ўзларига ўхшатмагунча тинчишмайди ҳам!

(Иброҳим ёки булардек бўлиши ёки буларнинг ҳам душманига айланиши керак! Учинчи йўл йўқ!)

Иброҳим шу дамда «эски оғайнилар»ига:

«Мен адашибман. Сенлар вақтида ҳеч нарсага тушунмаган экансан. Ҳамон тушунмабсан!» — дегиси келди.

Иброҳим «эски оғайнилар»ига:

«Мен адашибман. Сенлар — биринг ёзувчи, биринг олим, биринг санъаткор, биринг ҳакам; сенлар — зиёли; — лекин... Сенлар учун оёғи ердан узилган жоҳил бир кимса азиз, ўз манфаатларинг ҳамма нарсадан устун экан! Сенлар буюк бир халқни Ғайрат Нусратга алмашибсанлар. У эмас, Ғайрат Нусратнинг хизматига бел боғлабсанлар!» — дегиси келди.

Иброҳим уларга:

«Мен адашибман. Сенлар — халқнинг ҳаёт, турмушидан бехабар, атрофда яшаётган одамлар ҳол-аҳволини инобатга олмайдиган, уялмайдиган бўлиб кетибсанлар. Сенлар қулсан. Қаролсан!» — дегиси келди.

Аммо у паришонланди, холос.

Аммо у тилини тишлади.

Гапирганинг кумуш бўлса, гапирмаганинг олтин!

Айниқса:

Ғайрат Нусрат ҳали келадими, йўқми?!

(Бу — унинг учун ҳам энди аҳамият касб этган эди!)

Келмаслиги ҳам мумкин...

Шароитга қараб иш тутиш керак!

Айниқса:

Бутун давра уларга анграйиб-тикилган эди.

Давранинг оғзи ҳам, тили ҳам — шубҳасиз, Иброҳимнинг ёшликдан «дўст»лари эди!

— Майли, ўйлашиб кўрамиз! — деди Иброҳим босиқлик билан.

Унинг «кейинги йилларда улғайиб, одоб сақлаётгани» (аттанг) инобатга ўтмади.

Шу дамдаёқ ҳис этди:

У осонликча жон бермаганидек, булар ҳам осонликча сиртмоқни бўшатмайди!

Ёшликдан «дўст»лари уни Ғайрат Нусрат келгунча «пишитиб» қўйишмоқчи! Шунга қарор қилинган.

— Бунинг нимасини ўйлайди?! Аниқ гап! — деди Шоди Турсун анча кескин.

— Аниқ гап... Мен ўз ишимдан, ўз ҳаётимдан розиман. Идорага қайтиш ниятим йўқ. У сувлар оқиб кетди.

— Демак, сизнинг Ғайрат Нусратга ҳеч қандай ишингиз ҳам йўқ! — файласуфона хулоса чиқарди Акмал Рашид.

Иброҳим индамади.

Баҳсга ҳожат қолмагандек эди.

Кутилмаганда ўрнидан сапчиб:

— Мен тушунмаяпман, Сиз нега Ғайрат акани ёмон кўрасиз?! Ич-ичингиздан нафрат билан қарайсиз?! — саҳнадан туриб нидо қилаётгандек, овози титраб Иброҳимни исканжага олди Бўтавой Нодир.

Гапирганинг кумуш бўлса, гапирмаганинг олтин!

Лекин бу гал Иброҳим ўзини тўхтатолмади:

— Сизлар мендан юз чандон ақлли, билимли. Мен сизларга нима дейман?! Бировни одамий гўзал хислатлар, кўзга ташланган юксак фазилатлари учун ҳурмат қилиш, яхши кўриш мумкин. Кучли иймон-эътиқоди учун! Эзгулик истаб, шу йўлга ўзини тиккани учун! Катта бир ишларни бажармаса ҳамки, ақалли одамларни қийнамагани учун! Халқни қийратмагани учун... Тирикнинг чопони, ўликнинг кафанини ечиб, данғиллама уйлар қурдирган, итига тилла тиш қўйдирган одамни қандай яхши кўрасан?! Инсоф керак!

— У мас-бумас, сизлар душмансизлар, оғайнижон, — тортишувга якун ясади Кабир Ҳожи.

Орага узоқ сукунат чўкди. Кейин:

«Эски оғайнилар» Иброҳимни ўз ҳолига қўйиб, бошқа нималардир ҳақда гаплаша бошлашди. Улар Иброҳимга эътибор бермай қўйишгандек эди. Унутишгандек эди.

* * *

Иброҳим ўрнидан секин қўзғалиб.

Қўл ювгани чойхона ичкарисига қараб кетди.

У ҳеч ким пайқамаса, бу ердан бир йўла жилиб қолишга қарор қилган эди. Даврадаги ҳолати-руҳиятдан ишнинг яхшилик билан тугалланмаслигини Иброҳим энди ошкор сезмоқда эди. Болаликдаги икки биродари сўнгги пайтда аллабир можарога аралашиб, кўчада нобуд бўлишганини бу кеч у бот-бот эсламоқда эди. Ўз биродарлари билан ашаддий душманга айланишини Иброҳим истамасди ҳам!

Аттанг! Булар ёшликдаги озгина муқаддаслик, эзгуликларни ҳам йўқотиб, «минг йил» ичида буткул ўзгаришган эди!

Булар Иброҳимни «унутишмаган» экан:

Ортиқча қимир этгани қўйишмади.

Кимлардир босган қадамини ўлчаб, уни пойламоқда эди!

Бироқ у чойхонани айланаётиб,
шу аснода
бир мулоқот рўй берди.

Одатдаги одми кийган, устига кўмир чанги урган чойхоначиларга ўхшамаган: бошида оқ дастар, эгнида оқ яктак, соқоли, қош-киприклари ҳам оппоқ, фариштадек қария самовар ёнида куйманар эди.

Иброҳим шунчаки яқинлашиб, салом берди.

— Сизни олдин кўрмаган эканман! — унга тикилиб, деди чойхоначи.

— Минг йилдан буён келмаган эдим.

— Ҳалиям бекор келибсиз!

Иброҳим ажабланди.

Қария унинг ранг-рўйига қараб, аҳволини пайқадими?! — билиш қийин эди. Иброҳим ҳозир бу ҳақда ўйламаётган ҳам эди. Негадир ўзи-ўзидан гапга гап уланиб кетди.

— Дунёда бир ҳикмат бор. Инсон, одам билан ҳайвон орасида яшайди! — деди қария, — ҳар кимда ўзига яраша яхши жиҳат топилади. Оғайниларингиз ёмон одамлар бўлмасликлари ҳам мумкин.

— Улар ёмон эмас! — тасдиқлади шошиб Иброҳим.

— Лекин айрим ҳол, айрим соатларда ваҳшийлик қилишади.

— Сиз ажойиб экансиз, оқсоқол, — жилмайди Иброҳим.

— Йўқ, кулманг. Атроф-оламга диққат қилинг... Ҳар бир одам қайсидир жонзотга ўхшайди! Биров отга, биров итга. Худо шундоқ яратган. Нега, биз билмаймиз. Одам ўзини тутмаса, бора-бора ўша ҳайвон турқига киради.

Шу пайт Иброҳим рўпарадаги очиқ деразадан кечки қуёш нурларига чўмган тепалик томон қаради. Айни ёз куни пахталиккa ўраниб олган қандайдир бола беш-ўнта чўчқа етаклаб, пастга энмоқда эди. «Булардан қайси бири Ғайрат-Нусрат бўлса?!» ичида кулиб ўйлади Иброҳим:

— Ўзини тутса-чи?! — деб сўради чойхоначидан.

— Тутса ҳам баъзан киради, лекин бу бошқа сабоқ! — Кейин, қария суҳбатни тугатди. — Майли, сизга Худо ёр бўлсин.

Пойлоқчи йигитлар ҳовлини «шудгор» қилиб юришганидан, Иброҳим ноилож яна даврага қайтди.

* * *

Бу ерда
У йўқ пайтда
Яна бир карра
«Муҳокама» бўлгани кўриниб турибди.

***(Давоми. Боши ўтган сонларда).***

***(Давоми бор).***

*Бу қизиқ*

## КЎЗ НЕГА АЧИШАДИ?

Пиёз арчилаётган ёки тўғралаётганда кўз ачишининг сирини аниқлаш осон кўчмади. Чунки, ачиштирувчи модда учувчан бўлганидан, таркиби дарҳол тарқаб кетар эди. Уни жиловлаш йўлини америкалик кимёгар Эрик Блок топди. Тадқиқотчи учувчан моддани музлатиб қўйиб, унинг таркибини ўрганди.

Маълум бўлишича, пиёз арчилиши билан унинг остида қисилиб ётган лакриматр моддаси учиб чиқади ва кўз намига аралашиб сульфат кислота ҳосил қилади. У эса кўзни ачиштириб, ёшлантиради.

Демак, арчилаётган пиёзни сувга солиб қўйиш бежиз эмас экан. Дарвоқе, «лакриматр» атамаси лотинча «лакрима» – ёш сўзидан олинган.

***Акбар АЛИЕВ***
***тайёрлади.***

*Турмуш чорраҳаларида*

## ДЎСТ – КЎНГИЛ ШИФОКОРИ

Синфимиздаги Нигора исмли қиз бошқалардан босиқлиги, донолиги билан ажралиб турарди. У бизга қараганда икки, уч ёш катта кўринар ва доимо жиддий юрарди. Тўққиз ёшида онаси дунёдан ўтгач, уй-рўзгор ишлари унинг зиммасига тушган. Овқат қилиш, сигир соғиш, укаларига қараш, кир-чир ювиш барчасига улгурарди, хуллас, ҳаёт уни ёшига нисбатан анча улғайтирганди.

Отаси иккинчи бор уйланишга мажбур бўлди. Янги она дастлаб Нигора ва укаларига ўзгача меҳр билан қаради. Вақт ўтиб фарзандли бўлди-ю ўзгарди-қолди. Нигорани бўлар-бўлмасга жеркийдиган, ҳаддан зиёд кўп юмушлар буюрадиган одат чиқарди. Дугонамизни ҳатто бир неча кунлаб мактабга ҳам юбормасди.

Нигора уй вазифаларини тайёрлаш учун мендан дарсликлар олиб турарди.Бир гал одатдагидай яна китоб олди. Лекин, орадан икки кун ўтса ҳам, ундан дарак бўлмади. Мактабга ҳам келмай қўйди. Уйига борсам, дарвоза тагида укаси хомуш ўтирибди. Ундан «Нигора қани?» деб сўраган эдим, бирдан кўзларига ёш қалқди ва тутила-тутила: «Анув куни опам ойимлани кўйлакларига дазмол босаман, деб куйдириб қўйгандила, ойим опамни бошига таёқ билан урдила, бошларидан қон оқиб, йиқилиб тушдила. Ҳозир дўхтирхонада ётибдила», — деб ҳиқиллади.

Биз қизлар ўзаро жуда яқин бўлиб кетганимиз учун қай биримизга бирор кор-ҳол бўлса, дарров кўришга ошиқардик. Нигоранинг аҳволидан хабар топдиму, қизларни йиғиб, касалхонага бордик. Шифокорга учрашсак, «аҳволи оғир, икки кундан бери ўзига келмай, реанимацияда ётибди. Олдига кириш мумкин эмас», деди. Уни жуда кўргимиз келарди.Ноилож, чиқиб кетишга мажбур бўлдик. Касалхона деразалари кўчага қараган бўлиб, бу кўчадан фақат пиёда юриларди. Биз ҳам аста шу йўл билан Нигора ҳақида суҳбатлашиб, уй томон йўл олаётгандик, дугонам Феруза «Анув Нигорами?» деб қолди. Чиндан ҳам худди ўзи экан. Докадек оппоқ юзлари табассум аралаш деразадан бизга қараб турарди. Шу заҳоти ҳаммамиз беҳосдан «Нигора» деб бақириб юборибмиз...

Эртасига уни бошқа хонага олишибди. Анча ўзига келган, аҳволи ҳам яхши эди. «Шундай оғир ётганингда қандай турдинг?» — деганимизда, «Аҳволим қай ҳолдалигини ўзим ҳам яхши билмайману, бироқ овозингиз қаердандир қулоғимга чалинди. Руҳим дарров тетик бўлиб, туришга ҳам қаердандир куч келди», — деб жавоб берди. У тез кунда буткул соғайиб кетди.

Ўшанда мен дўст ҳам катта шифокор эканлигига амин бўлдим.

***Зилола ОРИФХОНОВА.***

*«Сидней-2000»дан кейинги ўйлар*

# XX АСРНИНГ СЎНГГИ ОЛИМПИАДАСИ

***АВСТРАЛИЯнинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII ёзги олимпиада ўйинлари ниҳоясига етганига ҳам, мана уч ҳафта бўлди. Дунёнинг барча оммавий ахборот воситаларида XX асрнинг сўнгги олимпиадаси, кенг, атрофлича ёритилди. Ҳатто, жаҳон матбуотида алоҳида нуфузга эга бўлган нашрлар ҳам сиёсатчилар суратини вақтинча ичкари саҳифаларга олиб, муқоваларини олимпиада ва унинг атрофидаги воқеаларга ажратишди.***

«О, спорт – сен тинчликсан!» шиори билан олимпиада ўйинларига асос солган франциялик Пьер де Кубертэн ҳам аслида шуни, яъни ўйинлар барча халқларни бирлаштиришини, жанглар фақат спорт мусобақаларида бўлишини орзу қилган эди. Дастлабки ўйинлар ўтказилган пайтларда вақтинча бўлса ҳам урушлар тўхтатилгани бизга тарихдан маълум.

Олимпиаданинг рамзий белгиси бўлган беш халқанинг қандай чизилганига ҳеч эътибор берганмисиз? Улар бир-бирининг ичига шундай жойлаштирилганки, алоҳида ажратишнинг иложи йўқ. Яъни сайёрамизнинг беш қитъа вакиллари ана шундай бирга, ажралмаган ҳолда яшашлари керак, деб ният қилинган.



Афсуски, совуқ уруш йилларида сиёсат тинчлик элчиси бўлган спортга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. 1980 йил Москва олимпиадасига АҚШ бошчилигида 35 ғарб мамлакатлари ташриф буюришмади ва бу байкотнинг сабаби совет қўшинларининг Афғонистонга олиб кирилиши билан боғлиқ эди. Орадан 4 йил ўтиб Лос-Анжелес олимпиадасида собиқ СССР бошчилигида деярли бутун социалистик лагерь ўйинларда қатнашишдан бош тортди. Гарчи бунинг сабаби «ўз спортчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида» деб кўрсатилсада, бу – 4 йил олдин ташланган қадамнинг «қайтими» эканлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Аммо ўша – Лос-Анжелес олимпиадасининг ўзида тинчлик сари дастлабки қадам ташланди, яъни 1952 йилдан бери илк маротаба хитойлик спортчилар ҳам олимпиадага таклиф этилдилар.

Орадан 4 йил ўтиб Сеул олимпиадасида беш халқа яна бирлашди ва имконияти бўлган ҳар бир давлат ўйинларда қатнашишни ўзи учун шараф деб билди. 1992 йил Барселона Олимпиадаси «Яшамоқ учун дўстлаш» шиори остида ўтказилди. 1996 йил Атлантада олимпиада ҳаракатининг 100 йиллиги кенг нишонланди.



Пьер де Кубертэн орзуси шу тариқа ушалди ва тинчлик ғояларини тарғиб қилувчи ҳаракатнинг энг юқори чўққиси Сиднейда ўрнатилди. Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари натижасида ер юзининг турли минтақаларида жойлашган халқлар иккига бўлиб юборилган эди. 90-йилларда социализмнинг парчаланиши натижасида немислар яна ягона давлат сифатида бирлашишди. Аммо ярим асрдан кўп вақт ўтса-да, корейсларни бирлаштириш ҳеч қайси сиёсатчининг қўлидан келмаётганди. Ва ниҳоят XX асрнинг сўнгги олимпиадасида бирлашиш томон дастлабки қадам ташланди. Ва бу шу қадар кутилмаганда юз берди-ки, очилиш маросимида ҳар бир давлат вакилларини чорлаётган сухандон «Корея делегацияси» деганда ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмай қолди. Чунки расмий равишда «Корея республикаси» ёки «Корея халқ демократик республикаси» деб таклиф қилиниши лозим эди. Ва фақатгина делегация байроқдори Корея ярим ороли тасвири туширилган оқ байроқни кўтариб ўйингоҳга кириб келганида ҳаммаси маълум бўлди. Ўша пайтдаги ҳолатни тасвирлаб бериш жуда қийин, уни фақат ҳис этиш керак. Ҳеч ким сўрамаса-да, бутун ўйингоҳ ўрнидан туриб, ҳайқирганча, корейсларни олқишлай бошлади ва ишонасизми, мен кўпчиликнинг, корейсларга умуман алоқаси йўқ жуда кўпчиликнинг кўзида севинч ёшлари кўрдим. Ўйингоҳга жойлаштирилган катта таблода эса Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчни кўрсатишар ва бу бежиз эмас эди. Бу лавозимга келгунча, Испаниянинг бир қанча мамлакатлардаги элчиси сифатида фаолият кўрсатган жаноб Самаранч корейсларни яхлит делегация сифатида чиқишларига кўндириб, кетар чоғида тинчлик элчиси сифатида гавдаланди. Нақадар ширин сўздир бу – «О, спорт – сен тинчликсан!».

***Аброр ИМОМХЎЖАЕВ,***
***Тошкент-Сидней-Тошкент.***

***СУРАТЛАРДА**: юртдошимиз Рустам Саидовнинг навбатдаги ғалабаси; Ўзбекистон телевидениеси вакиллари Австралия кўчаларидан бирида.*

***(Давоми бор).***



*Об-ҳаво*

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 22-25 октябрь кунлари об-ҳаво бирмунча ўзгариб туради. Вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир, тоғли ҳудудларда қор ёғиши кутилади. Ҳарорат кечалари 1-6, кундуз кунлари 10-15 даража илиқ бўлади.


Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Фахр Элим» хусусий фирмаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 130-63-64 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чиноз туманидаги «Олмазор-М» хиссадорлик жамияти ўз фаолиятини

**ТЎХТАТАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «ОМАД» хусусий фирмасининг йўқолган

**ДУМАЛОҚ МУҲРИ**

бекор қилинади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-905. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 1 2 3 4 5 6